

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАННАПОВА ШАХНОЗА ЭЛШОДОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Маннапова Шахноза Элшодовна

Ўзбекистон кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни ошириш
йўналишлари.....3

Маннапова Шахноза Элшодовна

Направления повышения инвестиционной активности в малых
промышленных зонах Узбекистана.....27

Mannarova Shakhnoza Elshodovna

Directions to increase investment activity in small industrial zones of
Uzbekistan51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАННАПОВА ШАХНОЗА ЭЛШОДОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1903 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мухамедов Фарҳод Турсунбаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хайдаров Низомиддин Хамраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «2» 03 кuni соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (267 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «18» 02 кuni тарқатилди.
(2022 йил «18» 02 даги 19 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

К №267
ИФ

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлашда бевосита инвестицияларнинг, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Бу борада, инвестицион фаолликни рағбатлантиришнинг қулай механизмларидан бири – саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Савдо ва ривожланиш бўйича Конференцияси (United Nations Conference on Trade and Development, UNCTAD) маълумотларига кўра, дунёда 5400 дан ортиқ йирик ва кичик турдаги саноат зоналари фаолият олиб бормоқда¹. Айни вақтда, жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаган конгломератлар ва йирик ишлаб чиқарувчилар ҳам саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришга интилишади. Масалан, йирик саноат вакиллари ҳисобланган Sembcorp Industries, Ascendas-Singbridge (Сингапур) ва Mitsubishi, Sojitz ва Sumitomo (Япония) каби йирик ишлаб чиқарувчилар саноат зоналарига инвестиция киритиш орқали ўз молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишади.

Жаҳон амалиётида ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишни янада ривожлантириш, кичик саноат зоналари орқали иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар оқимини фаоллаштиришни рағбатлантириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий тадқиқотларда саноатнинг етакчи тармоқлари фаолиятини ривожлантиришда инновацияларнинг ролини ошириш билан боғлиқ қатор муаммоли ҳолатларнинг истиқболли ечими сифатида кичик саноат зоналарида инвестицияларни молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш, кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг шарт-шароитлари ва уларга таъсир этувчи омилларни баҳолаш каби муҳим масалалар тадқиқ этилган. Шу билан бир қаторда, кичик саноат зоналарининг инвестицион жозибadorлигини янада ошириш муҳим эканлиги, глобал коронавирус пандемияси шароитида мазкур саноат зоналари орқали ҳудудлар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти, шунингдек, илғор хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистонда кичик саноат зоналарининг инвестицион фаоллигини ошириш йўналишлари борасида етарли илмий изланишларнинг олиб борилмаганлиги ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришнинг долзарб аҳамиятга эганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ўрта муддатга

¹ United Nations publication issued by the United Nations Conference on Trade and Development. UNCTAD/ WIR/ 2019. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2019_en.pdf

мўлжалланган «Инвестиция сиёсати стратегияси»ни ишлаб чиқиш, республиканинг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жамғармаси» ни ташкил этиш, шунингдек, ҳудудларда саноат зоналарини ташкил этишнинг устувор инвестицион лойиҳалар тизимини шакллантириш орқали мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини кенгайтириш, ҳудудлар ва тармоқлар кесимида «инвестиция лойиҳалари портфели» ни шакллантириш каби вазифаларнинг амалий ижросини таъминлайди. Аммо, саноат ишлаб чиқаришнинг бугунги кунда ҳудудлар ўртасидаги нотекис улуши, саноат тармоқларининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни, саноатнинг етакчи тармоқлари фаолиятини ривожлантиришда инновацияларнинг ролини ошириш билан боғлиқ қатор муаммоли ҳолатлар саноат зоналари, хусусан, кичик саноат зоналарида инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва бу орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш заруриятини юзага келтирмоқда. Шу сабабли мазкур муаммонинг ечимини комплекс ҳал этишга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3356-сон, 2019 йил 21 июндаги «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4363-сон, 2019 йил 14 мартдаги «Кооперацияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4239-сон, 2017 йил 18 майдаги «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2973-сонли Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги «Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 134-сон қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицион фаолликни оширишнинг шарт-шароитлари ва омиллари билан боғлиқ жараёнларнинг илмий-назарий ҳамда ташкилий асослари, саноат зоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этишнинг илмий-назарий, услубий жиҳатлари, инвестицион фаолликка таъсир кўрсатувчи қатор омиллар хорижий иқтисодчи олимлардан С.Гилчрист, Ч.Ҳиммелберг, Ж.Л.Вивини, С.Маурел,

Т.К.Руткаускас, Т.А.Воронова, Н.И.Климова, М.А.Николаев,
О.М.Дорошевич, В.В. Литвиновалар томонидан ўрганилган²

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Ш.Бекмуродов,
Я.К.Карриева, И.У.Нематов, Д.Ҳ.Набиев, Н.Т.Каттаев, Х.С.Асатуллаев,
Б.О.Турсунов ва А.А.Маманазаров, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажикабиев,
Н.Г.Муминов, Ш.И.Мустафакулов, Б.Т.Салимов, Б.Б.Салимов,
О.Т.Астанакулов, Х.Жўраев, Ж.И.Каримкулов ва бошқалар томонидан саноат
зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг айрим йўналишлари
тадқиқ этилган³.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим
муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур
диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари
режасига мувофиқ, АМ-ФЗ-201908169 «Кичик саноат зоналари салоҳиятини
аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратиш» мавзусидаги
лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон кичик саноат зоналарида
инвестицион фаолликни ошириш йўналишларини такомиллаштириш бўйича
таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кичик саноат зоналари ва улардаги инвестицион фаолликни
оширишнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;

² Simon Gilchrist, Charles Himmelberg. Evidence on the role of cash flow for investment. Journal of Monetary Economics. doi.org/10.1016/0304-3932(95)01223-0 <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/030433295012230>. Viviani, J.L., & Maurel, C. (2019). Performance of impact investing: A value creation approach. Research in International Business and Finance, 47, 31-39. doi.org/10.1016/j.ribaf.2018.01.001 <https://meiji.elsevierpure.com/en/publications/performance-of-impact-investing-a-value-creation-approach>. Руткаускас Т.К. Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций: учебное пособие / Руткаускас Т.К. и др. под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т.К.Руткаускаса.- Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. 10 с. Воронова Т.А. Инвестиционная активность в стратегии экономического роста (методологические аспекты). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук.- М., 2004. 17 с. Климова Н.И. Научные основы инвестиционного обеспечения регионального развития. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.04, доктор экономических наук. Н.И.Климова.-Екатеринбург, 1999. 17 с. Николаев М.А. Инвестиционная деятельность: Учебное пособие. – Псков: Изд-во ПШИ, 2007. –307 с. Дорошевич О.М. Механизм формирования инвестиционных ресурсов в северном регионе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Апатиты 2003, 24 с. Литвинова В.В. Инвестиционная привлекательность и инвестиционный климат региона: Монография. – М.: Финуниверситет, 2013. — 116 с.

³ Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Ҳ., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б., Asatullayev X.S, Tursunov B.O, Mamanazarov A.A. Korxonalarni rivojlantirish strategiyasi. Darslik. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. 520-б., А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажикабиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., профессор А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Молия», 2010, 330 бет., Салимов Б.Т, Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2020. – 135 б. Ш.И.Мустафакулов. Инвестицион муҳит жозибadorлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография.– Т.: МАЪНАВИЯТ, 2020. – 328 б., Салимов Б.Т, Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Монография.– Т.: Иқтисодиёт, 2020. – 135 б., Астанакулов О.Т. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. — Т.:»IMPRESS MEDIA», 2020.- 82 б., Jo‘rayev X. Investitsiya tushunchasining iqtisodiy mazmuni va ahamiyati. Iqtisod va moliya / Ekonomika i finansi, 2015-yil, 8-son, 42-б., Каримкулов Ж.И. Brics мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудлар орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш механизми. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил.

кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг шарт-шароитларини аниқлаш ва уларга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг хориж тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш;

кичик саноат зоналарида инвестицион жозибadorликни оширишнинг инвестицион фаолликка таъсирини баҳолаш;

кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигининг ҳозирги ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш;

кичик саноат зоналарида инвестицион лойиҳаларни шакллантириш муаммоларини кўриб чиқиш ва уларнинг ечимлари юзасидан илмий асосланган тавсифлар ишлаб чиқиш;

кичик саноат зоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳрида жойлашган кичик саноат зоналарининг инвестицион фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети кичик саноат зоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва инвестицион фаолликни ошириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, илмий абстракциялаш, иқтисодий-статистик, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

риск шароитида сотилиши мумкин бўлган инвестиция лойиҳаларининг реал ва базис нархлари ўртасидаги тафовутни қисқартириш орқали кичик саноат зоналарида йиллик инвестицион дастурларнинг тузилмавий таркибини шакллантириш таклиф этилган;

кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маъмурий Кенгаш таркибида «Инвестицион фаолликни мониторинг қилиш ва манзилли қўллаб-қувватлаш» маркази фаолиятини ташкил этиш орқали инвестицион лойиҳалар самарадорлигини ошириш таклиф этилган;

ички жараёнлар таркибида қиймат занжирини интеграциялаш ва тежамкорлик талабларини қўллаш ва ресурслардан натижадор фойдаланишни киритиш асосида инвестицион фаолиятда синергетик самарадорликка эришишнинг иқтисодий модели такомиллаштирилган;

маркетинг стратегиясига эга бўлган инвестицион фаолиятни молиявий жавобгарлигини суғурталашда воситачилар, кафиллик ва компенсация фондларини шакллантириш орқали жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини 15-20 фоизга ошириш имконияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик саноат зоналарининг илмий-назарий асослари тадқиқ этилиб, иқтисодий категория сифатида «кичик саноат зонаси» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва бошқаришнинг такомиллаштирилган механизми асосланган;

кичик саноат зоналарининг фаолияти ва инвестицион жозибадорлигига таъсир этувчи омилларнинг аҳамиятлилик даражаси SWOT усули орқали таҳлил қилинган ва баҳоланган;

кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларда ноаниқликлар ва риск шароити ҳисобига инвестицион лойиҳаларнинг самараси ҳамда ўзаро икки томонлама манфаатларга таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилиб, инвестиция дастурининг имтиёзли тузилмавий таркибини шакллантириш йўллари аниқланган;

кичик саноат зоналарида жойлашган корхоналарда ресурс тежамкорлигини таъминлаш, молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни қўллаш, кадрлар малакасини ошириш ва бошқа омиллардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солишга хизмат қилувчи синергетик самарадорликка эришишнинг иқтисодий модели такомиллаштирилган;

кичик саноат зоналарига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда потенциал инвесторга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ва фаол маркетинг стратегиясига эга бўлган инвестицион фаолият молиявий жавобгарлигини суғурталашни ривожлантиришда воситачилар, кафилик ва компенсация фондларини шакллантиришга асосланган сармояларни олға юрғатиш стратегиясини шакллантириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, Тошкент шаҳридаги Мирзо-Улуғбек, Яккасарой, Олмазор, Миробод, Чилонзор, Юнусобод, Учтепа, Бектемир кичик саноат зоналарининг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан кичик саноат зоналарининг инвестицион фаоллигини таҳлил қилиш ҳамда таҳлил жараёнида қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш, асослашда, инвестицион фаолликни оширишда, инвестиция лойиҳалари ўрнини ишончли акс этиришда, инвестицион фаолликни оширишнинг

молиявий механизмини такомиллаштиришда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни ошириш йўналишларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

риск шароитида сотилиши мумкин бўлган инвестиция лойиҳаларининг реал ва базис нархлари ўртасидаги тафовутни қисқартириш орқали кичик саноат зоналарида йиллик инвестицион дастурларнинг тузилмавий таркибини шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кичик саноат зоналари иш фаолиятини ташкил этиш мақсадида амалиётга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 25 декабр 06/04-02-01-32/3115-сон маълумотномаси) жорий этилган. Мазкур таклиф асосида Тошкент шаҳрида жойлашган кичик саноат зоналарининг инвестицион фаоллиги ўртача 106,2 фоизга ортган;

кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маъмурий Кенгаш таркибида «Инвестицион фаолликни мониторинг қилиш ва манзилли қўллаб-қувватлаш» маркази фаолиятини ташкил этиш орқали инвестицион лойиҳалар самарадорлигини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кичик саноат зоналари иш фаолиятини ташкил этиш мақсадида амалиётга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 25 декабр 06/04-02-01-32/3115-сон маълумотномаси) жорий этилган. Тизим фаолиятини аналитик баҳолаш ва қиёсий таҳлил қилиш натижасида нисбатан паст кўрсаткичга эга инвестицион лойиҳалар гуруҳланиб, алгоритм шакллантирилди. Ушбу марказ фаолияти кичик саноат зоналарига тегишли давлат дастурларини шакллантириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, муаммоларни манзилли ҳал қилиш ишларига йўналтирилган;

ички жараёнлар таркибида қиймат занжирини интеграциялаш ва тежамкорлик талабларини қўллаш орқали ресурслардан натижали фойдаланишни киритиш асосида инвестицион фаолиятда синергетик самарадорликка эришишнинг такомиллаштирилган иқтисодий модели Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кичик саноат зоналари иш фаолиятини ташкил этиш мақсадида амалиётга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 25 декабр 06/04-02-01-32/3115-сон маълумотномаси) жорий этилган. Кичик саноат зоналарида жойлашган корхоналарда ресурс тежамкорлигини таъминлаш, молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни қўллаш, кадрлар малакасини ошириш ва бошқа омиллардан фойдаланиш жараёнини тартибга солиш орқали инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида «инвестицион самарадорликни оширишнинг синергетик модели» кичик саноат зоналари инвестицион фаолиятида синергетик самарадорликка эришишнинг иқтисодий модели Тошкент шаҳрида жойлашган кичик саноат

зоналарнинг ички жараёнлар таркибида қиймат занжирини интеграциялаш ва кенг қамровли тежамкорлик талабларини қўллаш ва ресурсларидан натижали фойдаланиш имкониятини берган;

маркетинг стратегиясига эга бўлган инвестицион фаолиятнинг молиявий жавобгарлигини суғурталашда воситачилар, кафилик ва компенсация фондларини шакллантириш орқали жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини 15-20 фоизга ошириши асосланганлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кичик саноат зоналари иш фаолиятини ташкил этиш мақсадида амалиётга (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 25 декабр 06/04-02-01-32/3115-сон маълумотномаси) жорий этилган. Мазкур стратегияни амалиётга жорий этилиши саноат зоналарига йиллик жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини 15-20 фоизга ошириш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби «**Кичик саноат зоналари ва уларнинг инвестицион фаоллигини оширишнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, мазкур бобда кичик саноат зоналарининг мазмун-моҳияти, илмий-назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган, инвестицион фаолликнинг илмий-назарий моҳияти ва меъёрий-ҳуқуқий асослари, кичик саноат зоналарининг инвестицион фаоллигини ошириш шарт-шароитлари, унга таъсир этувчи омиллар таснифи атрофлича ёритилган.

Саноат зоналаридаги инвестицион фаолликни ошириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижаси шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг ҳудудий-иқтисодий ривожланишидаги асосий механизмлардан ҳисобланган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида турли хил кўринишдаги саноат зоналари, технопарк ва технополисларни ташкил этишдир. «Ҳозирги кунда АҚШ ва Хитойда 400 тадан, Германияда 200 та, Туркияда 262 та, Вьетнамда 200 га яқин индустриал парклар фаолият юритмоқда».⁴ Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кичик саноат зоналарининг мазмун-моҳияти ҳамда илмий асосларини ташкил этувчи илмий тадқиқотлар билан танишиб ўтиш ўринлидир. Кичик саноат зоналарини барпо этиш тажриба эволюцияси шуни кўрсатадики, мазкур тушунча ҳар бир давлат ва ҳудудда турли номлар билан атаб келинган. Уларнинг умумий мазмуни эса «саноат зоналари», «индустриал парклар», «технополислар» каби тушунчалар орқали ифодаланилади.

Мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олимлардан В.Миллберг ва М.Аменгуал томонидан олиб борилган тадқиқотларда, индустриал парклар фаолияти иқтисодий жиҳатдан «қолоқ» ҳудудлар учун яхши «мотивация» вазифасини ўтайди. Уларнинг фикрича, индустриал парклар – иқтисодий ривожланиш учун ажратилган кичик ишлаб чиқариш майдонлари бўлиб, уларнинг қулайлиги махсус иқтисодий ёки эркин иқтисодий зоналар сингари йирик ишлаб чиқариш инфратузилмасини талаб этмасдан ташкил этилади.⁵


Тадқиқотчи олим А.Агарвалнинг 2007 йилда эълон қилинган «Impact of SEZ on Employment, Poverty and Human Development» номли тадқиқот натижаларида саноат зоналарининг, хусусан кичик бизнес вакиллари учун мўлжалланган саноат зоналарининг ҳудудий бандликни таъминлашда ва инсон ресурсларини ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, мазкур тадқиқот ишида махсус саноат зоналарининг «кичиклаштирилган» вариантлари нисбатан паст ривожланган йирик ҳудудларнинг аҳоли зич истиқомат қиладиган жойлари учун самарали бўлиб, йирик саноат ишлаб чиқаришдан ҳоли бўлган ҳудудлари ҳисобланади.

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, кичик саноат зоналари – ҳудудий-иқтисодий ва инновацион ривожлантириш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш мақсадида кичик ҳамда ўрта тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган, аниқ чегаралари белгиланган солиқ, божхона ва бошқа имтиёзли режим амал қилувчи ҳудуддир.

⁴ Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш». – Т.: Иқтисодиёт, 2020. – 135 б. Смольянинова Т.Ю. Индустриальные парки в региональной экономике: механизм создания, перспективы развития. Автореферат диссертации. – Воронеж, 2015.

⁵ W. Millberg, M. Amengual. Economic Development and Working Conditions in Export Processing Zones: A Survey of Trends. ILO Office, Geneva, 2008. 68 p.

Муаллиф таърифидан келиб чиққан ҳолда кичик саноат зоналарининг асосий хусусиятларини қуйидагилар орқали ифодалаш мумкин:



1-расм. Кичик саноат зоналарининг асосий хусусиятлари⁶

Шунингдек, кичик саноат зоналарининг инвестицион фаоллиги ҳақида сўз юритганда, жаҳон илмий ҳамжамиятида «инвестиция» атамаси иқтисодий категория сифатида энг кўп ва кенг қамровли тартибда тадқиқ этилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, МДХ иқтисодчи олимларидан Т.К.Руткаускас «инвестиция»га кенг маънода сармоя сифатида қараб, «янги корхоналарни ташкил этишга, мавжудларини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга, кўчмас мулк, активлар, акциялар, облигациялар сотиб олишга қаратилган давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий ва интеллектуал бойликларини фойда ва бошқа ижобий мақсадларни кўзлаб амалга оширилиши»⁷ деб таъриф беради.

⁶ Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.

⁷ Руткаускас Т.К. Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций: учебное пособие / Руткаускас Т.К. и др. под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т.К. Руткаускаса. - Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. 10 с.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Ш.Бекмуродов, Я.К.Карриева, И.У.Нематов, Д.Х.Набиев, Н.Т.Каттаевлар, «...инвестиция – барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликларнинг тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши»⁸ деб эътироф этадилар. Х.С.Асатуллаев, Б.О.Турсунов ва А.А.Маманазаровлар юқоридаги таърифлардан фарқли равишда инвестицияларнинг, товар сотиб олиш учун реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳамда интеллектуал бошқа бойликлар учун сарфланишини изоҳлагани, пулнинг қийматини сақлагани, уни кўпайтириши ва ижобий даромад олиш учун йўналтирилишини ҳисобга олган ҳолда, «кўшимча ўзлаштирмак» маъносини ёритиб берадилар⁹. Х.Жўраев ўз тадқиқотларида «инвестициялар» - бу тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига қўйилаётган мулкӣ ва интеллектуал қимматликларнинг барча турлари деб ҳисоблаб, унинг натижасида фойда (даромад) яратилади ёки ижтимоий самарага эришилади деб таъкидлайди¹⁰.

Умумий маънода «инвестиция» категориясига юқорида эътироф этилган иқтисодчилар томонидан келтирилган таърифларда, инвестицион муносабатларни таъминлашга таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳланиб, инвестицион устуворликни юзага келтириш жараёнлари тадқиқ этилганлиги билан характерланади.

Иқтисодий адабиётларда «инвестицион фаоллик» тушунчасига нисбатан кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан қатор таърифлар берилган. Мазкур таърифларда ушбу тушунчага нисбатан яқдил қараш жараёни устувор аҳамият касб этмайди. Бу борада МДХ иқтисодчи олимларидан Т.А.Воронова ўз тадқиқотларида «инвестицион фаоллик – бу иқтисодиёт субъектларининг мақсадли параметрларга эришиш учун ўз капитали ва жалб этилган капиталдан мақсадли фойдаланиш жараёнларидаги самарадорликни акс эттирувчи кўп қиррали иқтисодий категориядир» деб таърифлайди. Тадқиқотчи томонидан инвестиция фаоллигини таҳлил қилишда нафақат инвестиция жараёнининг ўзи, балки унинг ҳолати ва ривожланиш даражасини белгилайдиган экзоген ва эндоген омиллар мажмуини баҳолашга имкон берадиган кўрсаткичлар ва мезонлар тизимидан фойдаланиш таклиф этилади»¹¹. Агарда, ушбу қарашнинг амалий ифодаси инвестицион фаолиятда устуворлик касб этса, макроиқтисодий даражада инвестицион фаоллик қуйидаги омиллар таъсири остида юзага келади (2-расм).

⁸ Бекмуродов А.Ш, Карриева Я.К, Нематов И.У, Набиев Д.Х, Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. 12-б.

⁹ Asatullayev X.S, Tursunov B.O, Mamanazarov A.A. Korxonalarni rivojlantirish strategiyasi. Darslik. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. 307-б.

¹⁰ Jo'rayev X. Investitsiya tushunchasining iqtisodiy mazmuni va ahamiyati. Iqtisod va moliya / Ekonomika i finansi, 2015 yil, 8-son, 42-б.

¹¹ Воронова Т.А. Инвестиционная активность в стратегии экономического роста (методологические аспекты). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. М, 2004. 17 с.



2-расм. Инвестицион фаолликни таъминлашнинг макроиқтисодий омиллари¹²

Кичик саноат зоналарида инвестицион жозибadorликни ошириш орқали инвестицион фаолликни таъминлашда кичик саноат зоналари фаолиятини бошқарув тизими ҳам самарали таъсир кўрсатади. Кичик саноат зоналари маъмурий бошқарув тузилмаси хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бу борада, кичик саноат зоналар дирекцияси потенциал инвесторлар учун ер, бино ва иншоотларни бериш ҳуқуқига тўлақонли эгалик қила олмайди. Ушбу масалаларда кичик саноат зоналар Маъмурий Кенгашлари ҳисобланган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли қарорларнинг чиқарилиши талаб этилади. Мамлакатимизда кичик саноат зоналарининг маъмурий бошқарув тузилмаси қуйидаги тузилмавий таркибга эга (3-расм).

¹² Руткаускас Т.К. Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций: учебное пособие / Руткаускас Т.К. и др. под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т.К. Руткаускаса. - Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. 10 с.



3-расм. Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва бошқариш механизми¹³

Кичик саноат зоналари фаолиятини бошқарув тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4363-сон Қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги «Кичик саноат зоналари тўғрисида»ги низомни қабул қилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигининг таҳлили» деб номланган иккинчи боби кичик саноат зоналарининг инвестицион жозибadorлигини оширишнинг инвестицион фаолликка таъсири, Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, кичик саноат зоналарида инвестицион лойиҳаларни шакллантириш муаммоларини таҳлил қилиш масалаларига бағишланган.

Кичик саноат зоналари хуудларига тадбиркорлик субъектлари лойиҳалари маъмурий кенгаш қарорлари асосида жойлаштирилади. Қуйидагилар инвестиция лойиҳаларини кичик саноат зоналари хуудида жойлаштиришнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

Маъмурий кенгаш томонидан белгиланадиган тармоқ хусусиятига мувофиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

янги иш ўринларини ташкил қилиш;

пул билан ифодаланадиган қийматга эга бўлган инвестицияларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шаклларда киритиш;

¹³ Муаллиф томонидан кичик саноат зоналари фаолиятига оид бўлган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган.

муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаган ҳолда, замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни жорий этиш асосида импорт ўрнини босадиган ва (ёки) экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар турлари, материаллар ҳамда бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш¹⁴.

Мамлакатимизда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар таъсирида, юртимизда кичик саноат зоналарининг умумий сони ва уларда амалга оширилаётган лойиҳалар сони кескин ортган (1-жадвал).

1-жадвал

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумот¹⁵

Т/р	Ҳудудлар номи	КСЗлар сони	Жами лойиҳалар			Амалга оширилган лойиҳалар						
			сон	маҳсулот турлари сони	қиймати (млн.сўм)	сон	қиймати (млн.сўм)	Ишлаб чиқариш қуввати (млн.сўм)	Ишлаб чиқариш ҳажми (млн.сўм)	Импорт ўрнини босувчи (млн.сўм)	экспорт ҳажми (минг долл)	иш ўрни
Республика бўйича жами:		298	2 849	2 429	12 395 835	1 385	4 607 371	5 670 073	2 480 642	536 505	42 088	29 788
1	Қорақалпоғистон Р.	12	139	69	349 853	81	165 638	439 982	207 635	190 635	6 060	1 074
2	Андижон вилояти	14	260	58	375 842	162	291 427	224 601	211 293	32 851	11 030	2 237
3	Бухоро вилояти	22	158	85	331 573	38	47 064	69 404	54 355	12 713	2 081	455
4	Жиззах вилоят	20	70	94	785 020	42	566 054	389 574	107 829	53 525	452	888
5	Қашқадарё вилояти	19	64	75	488 373	43	401 279	188 845	66 852	19 730	816	464
6	Навоий вилояти	6	35	55	338 324	4	7 300	7 180	2 140	118	20	58
7	Наманган вилояти	48	702	300	3 687 724	115	761 884	531 292	415 355	76 482	4 027	6 791
8	Самарқанд вилояти	23	113	96	532 623	61	259 425	285 959	93 125	21 064	1 043	830
9	Сурхондарё вилояти	23	75	69	142 289	13	64 130	74 018	9 300	5 808	0	284
10	Сирдарё вилояти	8	41	19	244 913	13	64 130	74 018	9 300	5 808	0	284
11	Тошкент вилояти	46	191	214	1 912 397	109	419 548	581 383	177 990	19 993	4 305	1 987
12	Фарғона вилояти	36	313	109	1 822 373	74	632 179	138 989	107 771	1 003	641	2 036
13	Хоразм вилояти	13	75	114	117 004	46	58 035	127 271	52 995	35 260	175	357
14	Тошкент шаҳри	8	613	1 072	1 267 526	584	869 278	2 537 557	964 701	61 516	11 437	12 043

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳудудларни қўллаб-қувватлаш тизимининг манзилли характерга эга эканлиги билан тавсифланади. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг умумий сони 298 тани ташкил этди. Кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятларига тўғри келади. Республиканинг олис ҳудудларида жойлашган кичик саноат зоналарида инвестицион жозибадорликни оширишда инновация омилини тўлақонли ишлатиш катта маблағ билан боғлиқ бўлгани учун кичик саноат зоналарида бу омилдан фойдаланиш паст даражада дейиш мумкин. Ҳозирги кунда кичик саноат зоналарни ривожлантириш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан кичик

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги «Кичик саноат зоналари тўғрисида»ги Низом

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари

бизнес субъектлари томонидан фойдаланилаётган технология, ускуна ва малакали кадрларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2973 сонли Қарори асосида ташкил этилган. Ушбу қарорга мувофиқ, ташкил этилган кичик саноат зоналарининг (асосий) фаолиятдан мақсад янги рақобатдош ишлаб чиқариш ва кичик корхоналар ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг муҳандислик коммуникациялари ва зарур инфратузилма билан таъминланган алоҳида ҳудудларда тўпланишини таъминлаш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, илмий-техника ва инновацион салоҳиятни мустаҳкамлаш, шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш белгиланган.

2-жадвал

2020 йилда Тошкент шаҳрида жойлашган кичик саноат зоналари фаолият самарадорлиги тўғрисида маълумотлар¹⁶

Кичик саноат зоналари номи	Таркибидаги корхоналар сони, бирликда	Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз), млн. сўм	Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн. сўм	Ҳисобот даври охирига мазкур корхонада меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони, киши	Ҳисобот даврида янги очилган иш ўринлари сони, ўринлар	Ҳисобот даври охирига мавжуд бўш иш ўринлари сони, ўринлар	Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар (-)), млн. сўм
Тошкент шаҳри бўйича	608	1 698 351,2	51 342,6	8747	2526	821	190 460,9
<i>шу жумладан:</i>							
Учтепа тумани кичик саноат зонаси	16	10 368,1	21 114,7	216	86	64	-4 497,1
Бектемир тумани кичик саноат зонаси	12	115 181,1	1 623,1	387	93	5	23 727,8
Юнусобод тумани кичик саноат зонаси	83	224 292,9	4 423,1	879	230	21	28 277,4
Мирзо Улуғбек тумани кичик саноат зонаси	60	59 909,5	1 468,8	719	224	50	-8 392,5
Олмазор тумани кичик саноат зонаси	46	117 451,4	2 347,8	646	88	196	18 359,7
Сергели тумани кичик саноат зонаси	82	103 785,2	41,4	789	396	28	17 899,2
Яккасарой тумани кичик саноат зонаси	267	751 173,3	17 675,7	4465	1246	360	80 019,8
Чилонзор тумани кичик саноат зонаси	42	316 189,6	2 648,0	646	163	97	35 066,6

Кичик саноат зоналарига молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий қиймати 1 698 351,2 млн.сўмни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам Яккасарой тумани кичик саноат зонаси устувор ҳисобланади. Яккасарой тумани кичик саноат зонасида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар 751 173,3 млн.сўмни ташкил этиб,

¹⁶ Тошкент шаҳар кичик саноат зоналари дирекцияси маълумотлари

жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 44,2 фоизини ташкил этади (2-жадвал).

2021 йилнинг биринчи ярмида Тошкент шаҳрининг 8та кичик саноат зоналаридаги 584та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳалар доирасида 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 854,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган (шундан 1-чоракда 260,0 млрд. сўм, 2-чоракда 197,2 млрд.сўм, 3-чоракда 243,3 млрд.сўм). Жумладан, импорт ўрнини босувчи 39,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Экспорт ҳажми 11,0 млн. доллардан иборат¹⁷.

Лойиҳани турли параметрлар бўйича баҳолаш мезонлари лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларига ва саноатда стандартлаштириш мураккаб бўлганлиги сабабли, кўрсаткичлар тизимини яратиш учун фақат умумий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу параметрлар гуруҳлари учун лойиҳани таққослаш ва танлашнинг мураккаблиги, кўрсаткичлар сифат жиҳатидан ҳам, миқдорий баҳога эга бўлган турли ўлчов бирликларида ифодаланиши билан белгиланади. Бизнинг фикримизча, инвестиция лойиҳаларини танлашда лойиҳанинг рейтингини унинг рақобатбардошлигини тавсифловчи параметрлар гуруҳлари асосида аниқлаш керак.

Кичик саноат зоналарида инвестицион лойиҳалар портфелини шакллантириш учун лойиҳанинг инвестиция жозибadorлиги рейтингини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

$$R = \sqrt{\sum_{i=1}^n p_i (1 - \omega)^2},$$

R – лойиҳанинг инвестиция жозибadorлиги рейтингини;

ω – i- индикаторнинг нормаллаштирилган қиймати:

$\omega = 1 - x/x_n$ - тўғридан-тўғри таъсирни тавсифловчи кўрсаткичлар учун;

$\omega = 1 - x/x_n$ - қарама-қарши таъсирни тавсифловчи кўрсаткичлар учун

x - индикаторнинг ҳақиқий қиймати;


x_n – индикаторнинг мақсадли қиймати;

ω – нормаллаштирилган қиймат кўрсаткичи;

p_i – i- индикаторнинг вазни.

Кичик саноат зоналарида инвестицион лойиҳалар портфелини шакллантиришда лойиҳанинг инвестиция жозибadorлиги рейтингининг якуний қиймати асосий кўрсаткичларни мақсадга (идеал қийматга) яқинлашиш даражасини акс эттиради. Умумий баҳолаш тизимида тегишли кўрсаткичнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда рейтинг қиймати лойиҳа жозибadorлигини белгилаб беради (4-расм).

¹⁷ Тошкент шаҳар кичик саноат зоналари дирекцияси маълумотлари



4-расм. Кичик sanoat зоналарида инвестицион лойиҳалар портфелни шакллантиришнинг алгоритми¹⁸

Тошкент шаҳридаги кичик sanoat зоналари салоҳиятини ошириш, давлат мулки бўлган бино-иншоотлардан янада самарали фойдаланиш ташкил этишдаги муаммоли ҳолатлар ва уларни ечиш йўллари кўйидагилардан иборат:

КСЗ ҳудудларида фаолият юритаётган субъектларни инвестиция мажбуриятларини бажаришини юзасидан мониторинг учун субъектлар томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳаққонийлигини текшириш имкониятининг йўқлиги. Бугунги кунда мониторинг маълумотлари субъектлар томонидан берилган маълумотлар асосида олиб борилмоқда. Мазкур маълумотларни солиқ, статистика ва бошқа маълумотлар базасига эга органлар маълумотлари билан солиштириш имконини бериш лозим.

Инвестиция мажбуриятларини бажармаётган ёки етарли даражада бажармаётган субъектлар билан шартномавий муносабатларини бекор қилиш

¹⁸ Тадқиқотларга асосланган ҳолда муаллиф томонидан шакллантирилган
20

механизмини мураккаблиги, кўп вақт талаб қилиши. Шартномаларни суд органлари орқали эмас, томонлар бирининг ташаббуси билан бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.

КСЗ ҳудудларида субъектлар томонидан ҳужжатсиз қурилган бино иншоотларни расмийлаштириш масаласи. Барча КСЗ ҳудудларида қурилган ҳужжатсиз қурилмаларни белгиланган тартибда давлат комиссияси томонидан қабул қилиб олинishi ёки бузиб ташланишини мутасадди давлат ташкилотлари билан амалга ошириш.

Тадқиқот ишининг учинчи боби «**Ўзбекистонда кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини ошириш истиқболлари**» деб номланиб, унда хорижий тажрибалар асосида кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари, кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг молиявий механизмини такомиллаштириш йўллари баён этилган.

